УзССР Давлат архив палатаси
10 НОЯ 75841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 251 (5542).
1 НОЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1984 йил 31 октябрда Тошкент область партия комитетининг V пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг «Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши ҳақида» доклад қилди.

Музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳ. Ҳатамов, Олмалиқ химия заводи токари Д. С. Неудачин, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози бригада бошлиғи З. Муталова, Ангрен резинотехника заводи директори И. Н. Искандаров, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз партия комитетининг секретари М. Мирзаева, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ректори С. Искандаров иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

А. М. Хўжаев КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар Академияси аспирантурасига ўқишга кетганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари вазифаларидан озод этди.

Ш. З. Қамолхўжаев Тошкент область партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари этиб сайланди.

В. А. Нарзиқулов КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар Академиясига ўқишга кетганлиги муносабати билан область партия комитети савдо ва маиший хизмат бўлими мудири вазифасидан озод этилди.

Б. Д. Эргашев область партия комитети савдо ва маиший хизмат бўлими мудири этиб тасдиқланди.

Пленум М. С. Қамоловани область партия комитети составидан чиқарди.

Шу билан Тошкент область партия комитетининг V пленуми ўз ишини тамомлади.

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

31 октябрь куни Тошкентда республика Фанлар академиясининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасида олимларнинг вазифаларига бағишланган умумий йиғилиши бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан ҳотиқлар кейинги йилларда олимлар ўз куч-ғайратларини фан-техника тараққиётининг актуал проблемаларини ишлаб чиқишга ва шу асосда республиканинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга қаратганликларини уқтириб ўтдилар. Бироқ ана шу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Илмий муассасалар катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемаларни тўла даражада ҳал қилмаяптилар.

Жумладан, суғорма ерлардан самарали фойдаланиш масалаларини чуқурроқ ишлаб чиқиш лозим. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми диққат-эътиборни шунга қаратди. Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи — пахтачиликни янада юксалтириш ана шу вазифани ҳал қилиш билан боғлиқдир. Пахтанинг саноат эҳтиёжларини тўла қондирадиган навларини, айниқса унинг ингичка толали навларини яратиш соҳасидаги селекция ишида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини бажариш ишига Ўзбекистон олимлари ҳали ҳам катта ҳисса қўшмаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ресурслари етарли даражада қидирилмаяпти, энергиянинг ноанъанавий манбалари — қуёш, шамол, кичик дарёлар энергиясидан фойдаланиш иши суст олиб борилмоқда. Республикани мамлакатнинг яхлит энергетика системасига улаш, бу ерда атом электр станцияларини қуриш учун кўп иш қилиш керак.

Сўзга чиққан ўртоқлар илмий ечимларни практикага жорий этиш проблемаларига алоҳида эътибор бердилар. Бу ечимларнинг ҳаммаси ҳам ҳали халқ хўжалигида қўлланилмаётганлиги уқтирилди.

Умумий йиғилиш олимлар ўртасида мафкуравий ишни кучайтириш, ҳар бир илмий коллективда чинакам ижодий ёндашиш, эришилган натижаларга танқидий баҳо бериш муҳитини яратиш зарурлиги таъкидланди. Кўпгина институтлар юксак малакали илмий кадрлар — фан кандидатлари ва докторларини тайёрлаш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётганлиги ҳақида гапирилди.

Йиғилиш иштирокчилари республика Фанлар академияси барча бўғинлари ва бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари олимлар олдига қўйган талабларни муваффақиятли бажариш йўлларини белгиладилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ҚУРУВЧИЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети 1984 йил III кварталида химия объектларини қуриш борасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, **Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 14-қурилиш трести** коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини бердилар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Тошкент мотор заводи қурилишида қатнашаётган коллективларнинг 1984 йил III кварталидаги социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, қуйидаги коллективларни ғолиб деб топдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Промжилводстрой» трести. Бу трест 1984 йил III квартал планини бош пудрат юзасидан 156,4 процент, механат унумдорлиги юзасидан 118,4 процент қилиб адо этган;

СССР Госстройининг «Узгипротяжпром» институти. Бу институт 1985 йилда қилинадиган ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини муддатидан илгари ишлаб чиққан ва уларни топширган.

монгги газеталарда

● Юрий Гагариннинг тилларда достон бўлган парвозидан кейин Советлар мамлакатининг яна 57 космонавти космосда бўлдилар. Ҳар бир янги учиш программанинг кўпроқ мураккаблиги билан фарқ қилиб борди, уларнинг давомийлиги орта берди. Космонавтлар Л. Д. Кизим, В. А. Соловьев ва О. Ю. Атьковнинг «Салют-7» — «Союз» комплексида тарихда энг узоқ давом этган орбитал учиши Ватан космонавтикасининг буюк ютуғи бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 31 октябрь куни Кремлда космос қаҳрамонларига СССРнинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Космонавтлар жавоб нутқларида киши бошқарадиган ва энг узоқ давом этган орбитал учишни амалга оширишга ошириб топширилганлиги учун, уларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун Коммунистик партия билан Совет давлатига, ўртоқ К. У. Черненкога сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

(Мукофотларни топшириш маросими ҳақидаги батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган).

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 27

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



«ОҚ ОЛТИН»-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,93	96,45
Тошкент	1,01	94,41
Наманган	1,00	91,63
Андижон	0,92	87,33
Хоразм	1,05	82,90
Сурхондарё	0,80	82,41
Сирдарё	1,50	81,94
ҚҚАССР	1,20	70,01
Самарқанд	1,03	68,77
Жиззах	0,89	61,99
Бухоро	0,50	59,90
Навоий	0,85	58,13
Қашқадарё	0,68	45,30
Республика бўйича	0,94	76,10







ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ К. И. ЛАПКИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада иқтисод фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Кузьма Иванович Лапкин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,

1984 йил 31 октябрь.

ОЛТИН КУЗ ЯРМАРКАСИ

БУГУН

Тошкентда сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи олтин куз ярмаркаси азиз ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги арафасида очилган бундай ярмаркалар шаҳримизнинг ўн икки ерида республикамиз областларидан келтирилган сабзавот ва мевалар билан савдо қилмоқда.

Олтин куз ярмаркаси 6 ноябргача давом этади. Ҳамшаҳарларимизга 470 тонна картошка, 177 тонна узум, 146 тонна анор, 460 тонна олма, нок, беҳи, хурмо, 580 тонна қовун, 660 тонна тарвуз, 60 тонна асал, 125 тонна ҳар хил қуритилган мевалар ва бошқа маҳсулотлар сотилади.



МОСКВА. Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов — Г. Каспаров матчининг кеча бу ерда ўйналган йигирманчи партияси жуда тез — 15-юришда дуранг натижа билан тугади. Эртага ўйналадиган навбатдаги 21-партияда оқ доналарни А. Карпов бошқаради. Матчда ҳамон жаҳон чемпиони Анатолий Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Пойтахтимиздаги мотор заводининг меҳнаткашлари Тошкент маркаси қўйилган 100 от кучига эга бўлган Д—24 ОТ трактор двигателларининг дастлабки туркумини йиғишга киришдилар.

Мазкур корхона бир йўла қурилаяпти ҳам, ишлаяпти ҳам. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида ҳали саноат корпуслари тикланмоқда, чап соҳилда эса заводнинг биринчи навбати ишга тушмоқда. Кенг цехлар рақамли программа билан бошқариладиган энг замонавий дастгоҳлар, йиғув линиялари, синов стендлари билан жиҳозланган. Йил охирига қадар тажриба тариқасидаги двигателлар ишлаб чиқарилади.

Ҳиндистон Миллий конгресс партиясининг Бош секретари Ражив ГАНДИ жаноб олийларига

Муҳтарам Ражив Ганди,

Улуғ ҳинд халқининг шонли қизи, атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун оташин курашчи, Совет Иттифоқининг улкан дўсти, Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ёвузларча суиқасд натижасида бевақт вафот этганлигини совет кишилари зўр қайғу-алам билан билдилар.

Индира Гандининг вафоти — Ҳиндистон учун оғир ҳудолиқдир. И. Ганди узоқ вақт мобайнида масъулиятли Бош министр лавозимида ишлаб, Ҳиндистоннинг барча соҳаларда ривожланиши ва тараққий этиши учун, унинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди.

И. Ганди халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор ва чуқур иззат-ҳурматга сазовор эди. У халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун актив ва изчил курашиб келди. Қўшилмаслик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашда ва унинг халқаро обрўсини оширишда И. Гандининг хизматлари гоят каттадир.

И. Ганди СССР билан Ҳиндистон ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келди. Шу мотамсаро кунларда совет раҳбарлари Совет Иттифоқи Ҳиндистон Республикаси билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга муттасил интилаётганликларини яна бир бор таъкидлайдилар.

Муҳтарам Ражив Ганди, онангиз, Ҳиндистон Бош министри вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз. Индира Гандининг номи совет кишиларининг миннатдор хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

К. ЧЕРНЕНКО.

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Заил СИНГХ жаноб олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ёвузларча суиқасд натижасида бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, Совет Иттифоқидагилар ларзага келишди. Совет кишилари бутун дунёда муносиб обрў-эътибор ва чуқур иззат-ҳурматга сазовор бўлган Ҳиндистоннинг атоқли раҳбарига қўл кўтаришга журъат этган жиноятчиларни ва уларнинг ҳомийларини қаҳр-ғазаб билан лаънатлайдилар.

И. Ганди Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўпёқлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга катта шахсий ҳисса қўшди.

Индира Гандининг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан совет халқи, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан Ҳиндистон халқи ва ҳукуматига чуқур таъзия билдирамиз. Марҳумнинг қариндошлари ва яқин кишиларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Индира Гандининг шонли номи тарихда ҳамиша сақланиб қолади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўқувчиларнинг «оқ олтин» даври

Фоторепортаж

Ҳашарчи-ўқувчил а р штабида бизни Сергели район халқ маорифи бўлими мудири Тўлқин Султонов кутиб олди.

— Мингга яқин 9 ва 10-синф ўқувчилари биричи бор пахтакорларга амалий ёрдам беришяпти,— дедм у мамнуният билан, — 2, 6, 7, 8-мактаблар коллективлари олдинда боришяпти. Ишларнинг гайрати зўр.

7-мактаб комсоргм Неля Гузамроваинг икки юзи офтобда анордек қизарган.

— 91 комсомол аъзоси барчага намуна бўляптм,— дедм Неля пахта тўла этагини бўшатиб, — ҳар бир кунимиз мазмунли ўтяптм. Шароитимиз жудаям яхши: телевизор, радиоприёмник, магнитофон, дискотека — ҳаммаси бор. Кечқурунларм кўнгилли дам оламиз. ГАИ ходимм катта лейтенант В. Маҳкамов суҳбатлар ўтказиб турадм (пастда ўнгдаги сурат).

Шу пайт бир тўп йигит ва қизлар ёнимизга келишдм. Гулнора Юсупова — 10-синф ўқувчисм.

— Норманм доимо 5—10 килограммдан ошириб бажаряпман, — дедм у табассум билан, — яқинда адам келибкетдилар. «Ирмонтажстрой» трестининг 24-кўчма механизациялашган колоннасида ишлайдилар. Маҳамат Турсунович деса ҳамма таниймдм.

Йигит ва қизлар кулиб юборишдм.

— Нималар деди!

— Вой, шунақаям хурсанд бўлдиларкм, қўяверасиз. Шароитимиз, далаларни кўриб кўнгилларм жойига тушдм. Бирга пахта тердилар.

Суҳбатга мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Е. Лапникова қўшилдм:

— Ўқувчиларнинг пахтага чиқишганн яхши бўлдм. Бу ер коллективизм, ўртоқлик, ўзаро ёрдамга ўргатяптм ёшларни.

Смрдарё область Смрдарё районидаги «Ленинград» колхозининг пахтачиликда 42 йиллик стажга эга, 20 йилдан бери бригада бошлиғи Набижон Содиқов суҳбатни шундай якунлади:

— 11 фарзандим бор. Ҳаммасининг танглайини дояси пахта билан кўтарганмм, Ҳасан, Ҳусан, Маъмур, Офтоб, Маҳбуба, Мамлакат, Тоҳира Сергелидан келган мактаб ўқувчилари билан бирга пахта теришяптм. Рафиқам ҳам термячи.

«Оқ олтин» учун ҳал қилувчи, масъулиятли шу дамларда тошкентлик ўқувчилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётганларм таҳсинга сазовордир. Бу — партия ва ҳукуматимизнинг ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги йўл-йўриқларини амалга оширишнинг дастлабки яхши самарасидир.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми навбатдаги мажлисида Пахтаобод райони маҳаллий Советларининг чорвачиликка раҳбарлик соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Район чорвачиликни интенсивлаш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатмаларини, ўз қарорларини ижро этишни ниҳоятда ёмон ташкил этганлиги сабабли гўшт ва сут етиштириш юзасидан беш йилликнинг уч йили планини бажармади, 1984 йилда тармоқ маҳсулдорлиги ўтган йилга нисбатан пасайиб кетишига йўл қўйди. Президиум район маҳаллий Советлари зиммасига подани сифат жиҳатдан яхшилаш ва емхашак базасини қатъиян мустаҳкамлаш йўли билан жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлиги кескин оширилишини таъминлаш, гўшт, сут ва тухум етиштириш юзасидан 1984 йилги ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажарилишига эришиш мажбуриятини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида халқ депутатлари Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолияти кўриб чиқилди. Автоном республика халқ депутатлари Советларига, халқ контроли органларига, маъмурий органларга социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жамоат тартибини сақлашни кучайтириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, бу ишда халқ депутатларининг, доимий комиссияларнинг, совет активининг иштирокини кучайтириш борасидаги ишларни тубдан яхшилаш тавсия этилди.

Республика Ўрмон хўжалиги министрлигининг давлат қўриқхоналарига раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Жиддий камчиликлар қайд этиб ўтилди: кейинги йилларда қўриқхоналар сони анча камайди; табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун талабларига қарамай, уларнинг территорияларидан кўпинча хўжалик мақсадларида фойдаланилмоқда. Илмий тадқиқотларга етарлича эътибор берилмаяпти. Республика Фанлар академиясига, Ўрмон хўжалиги министрлигига, Госпланига мавжуд қўриқхоналар ишини яхшилаш ва янги қўриқхоналар вужудга келтириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этиш топширилди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг талаб-эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ва бу ишни янада яхшилаш тадбирлари кўриб чиқилди. Уруш ветеранлари билан ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг уй-жой ва турмуш шароитлари республика ва бошқа партия органларининг диққат марказида бўлиши, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши таъкидланди.

Тошкент областидаги Юбилей посёлкаси аҳолисидан Гаврилова, Қосимов, Ҳафизова ва бошқа ўртоқларнинг нормал уй-жой ва маданий-маиший шароитлар йўқлиги тўғрисидаги шикояти кўриб чиқилди. Уларнинг квартиралари узоқ вақт мобайнида ситилмаган, бу квартираларга сув, табиий газ, электр катта узилишлар билан бериб турилган. Аҳолига нормал хизмат кўрсатилишини ташкил этиш юзасидан тегишли чораларни кўрмаган, меҳнаткашларнинг кўпдан кўп шикоятларига эътибор бермаган Қишлоқ қурилиши министрлиги билан Тошкент область ижроия комитети одамларнинг қонуний эҳтиёжларига ҳаддан ташқари бепарволик қилган. Бу ташкилотларга жуда қисқа муддатлар ичида қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш таклиф қилинди. Президиум шуни таъкидладики, барча хўжалик раҳбарлари ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўз фаолиятида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмасига, яъни партия кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг меҳнати ва турмуши учун тегишли шарт-шароитларни яратиб беришни ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг негизи деб билади, деган кўрсатмасига муттасил амал қилишлари керак.

Давлат қурилишининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазер — механизаторларнинг кўмакчиси

Лазер установкаларидан фойдаланиш «Қарақумгидрострой» трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна механизаторларни Байрамали бўрдоқичилик хўжалигида қарийб 500 гектар ерни сифатли қилиб қисқа муддатда текислаб чиқишга ёрдам берди.

— Лазер механизаторларнинг меҳнат характерини анча ўзгартириб юборди,— дейди трестнинг бош технологи И. Мартиросов. — Эндиликда далаларни нивелировка қилиш талаб этилмайди. Ҳолбуки илгари бу ишга анча вақт кетарди. Шунингдек лазер установкасисиз текислаш чоғида муқаррар юз берадиган хатоликларни тўғрилаш учун кўп марта такрорий юришларга зарурат қолмади.

Янгиликни жорий этиш трест механизаторларни меҳнат унумдорлигини 30 процент оширди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва... МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁВУЗ ҚОТИЛЛИК

ДЕҲЛИ, 31 октябрь. (ТАСС). Пресс Траст оф Индиа (ПТИ) агентлигининг хабар қилишича, бугун эрталаб Ҳиндистон Бош министри Индира Гандига ёвузларча суиқасд қилинган.

Агентликнинг маълумотларига кўра жиноят маҳаллий вақт билан соат 9 дан 40 минут ўтганда қилинган. Бош министр соқчиларидан икки киши, бири соқчилик формасини кийган, иккинчиси граждан кийимида бўлган кишилар яқин масофадан қўққисдан автомат қуролдан ўқ уздилар. И. Гандига саккизта ўқ тегди, шундан тўрттаси қорнига теккан. И. Ганди Умумҳиндистон медицина фанлари институтига келтирилган пайтгача кўп қон йўқотиб қўйганди, бу ерда у шошилинч операция қилинди.

Врачлар унинг ҳаётини қутқариб қолиш учун зарур ҳамма чораларни кўрдилар. Хирургик операциялар қилинди ва бир неча бор қон қуйилди. Аммо И. Ганди ҳаётини сақлаб қолиб бўлмади.

Суиқасд қилганлардан бирини ҳукумат бошлиғининг соқчилари жиноят қилинган жойнинг ўзида ўлдирдилар, иккинчи террорчи жароҳатлантирилди, қамоққа олинди ва госпиталда ётибди. Ҳиндистон ПТИ ва ЮНИ ахборот агентликлари суиқасд қилганлар экстремист сикхи гуруҳларидан бирига мансублигини маълум қилди.

Ҳиндистон чуқур мотамда. Атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Бош министр Индира Ганди ёвузларча ўлдирилганлиги сабабли бутун халқ жуда қаттиқ мотам тутмоқда. Ҳукумат бошлиғининг ҳаётига қилинган хоинона суиқасд тўғрисидаги хабарни эшитган ҳиндистонликлар ғоят ларзага келдилар. Парламент халқ палатасининг оқсоқоли Балрам Жакхар муайян кучлар мамлакатдаги демократик системани зўравонлик ва якка террорчилик йўли билан йўқотишга ҳаракат қилаётганликларини айтди. Аммо халқ миллатга зид кучлар ва қўпорувчи кучларга қарши охиригача кураш олиб боришга аҳд қилган, деди у.

Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий конгрессининг Бош секретари швара Рао бу ерга қилинган баёнотида динининг ўлдирилиши рор кучлари мамиллий бирлиги ва риал бутунлигига казишга уринаётганрисида ҳаммага мудҳиш огоҳлантир — деди.

Штатларнинг бу қонун чиқарувчи ри реакцияч кучконли жиноятларни ловчи резолюция либ, ўз ишини ўтк

Бир қанча чет ларда сафарда бўл дистон Президен Сингх шошилинч Деҳлига қайтиб ке министрнинг ўрни тон Миллий конгр тияси Умумҳиндис тетининг Бош секре жив Ганди ҳам ки бўйлаб қилаётган сиёсий шошилинч равишда га қайтиб келди.

ПТИ агентлигининг беришича, И. Ганди этган бинода министр бинетининг шошилиси ўтмоқда.

Ражив ГАНДИ Ҳиндистон Бош министри

ДЕҲЛИ, 31 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди вафот этганлиги муносабати билан бугун бутун республика министрлар кабинетининг фавқулодда мажлиси бўлди. Мажлисда атоқли давлат ва сиёсат арбоби Индира Ганди ёвузларча ўлдирилганлиги натижасида мамлакатда вужудга келган аҳвол муҳокама қилинди.

ПТИ агентлигининг хабар беришича, мажлис қатнашчилари Индира Гандининг ўғли — Ҳиндистон Миллий конгресс партияси Умумҳиндистон комитетининг Бош секретари Раҳив Ганди бўлмиш Раҳив Ганди Бош министр лавозимини тўғрисида қарор қабул ганлар. Ҳиндистон тожи Зайл Сингх бугун Р. Г. ҳукуматининг янги бошлиғи фатида қасамёд қабул

ЧЕТ ЭЛ ЁШЛАРИ ҲАЁТИДАН

БУДАПЕШТ. Будапештда парламент биноси олдида ўтказилган кўп кишилик митинг ва машъал кўтариб юриш Венгрия ёшларининг тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, уруш хавфининг олдини олишга бўлган қатъиятнинг намойишига айланди. Республика йигит ва қизларидан қарийб 100 минг киши ядро фалокати хавфига қарши, тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун бундан буён ҳам кураш олиб боришга шай эканлигини айтди. Умумвенгрия тинчлик кенгашининг Бош секретари Миклош Барабаш митингда сўзга чиқиб, қурол-яроғларни кўпайтиришни ёқлаб чиқаётган телбаларнинг йўлини тўсмоқ учун турли мамлакатларнинг халқлари, ёшлари ўз куч-ғайратларини жипслаштиришлари лозим, деди.

* * *

БЕРЛИН. Шу кунларда ГДРнинг ёш галлакорлари, механизаторлари ва чорвадорларига қишлоқ ёшларининг ноябрь ойида Шверин шаҳрида ўтказиладиган конгрессида қатнашадиган делегатларга мандатлар топширилмоқда. Зарбдор меҳнат учун уларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари ва халқ ер-мулкларининг вакили сифатида шу анжуманда қатнашиш ишониб топширилади. Анжуманга ёш меҳнатчилардан 1500 киши келади.

Социализмнинг ёш қурувчилари қишлоқда кўпгина шоҳли ишларни бажардилар. Улар ГДРнинг 35 йиллиги юбилейи йилида рекорд миқдорда дон олиш, сабзавот, гўшт, сут, тухум етиштириш юзасидан давлат топшириқларини ошириб бажариш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Эркин немис ёшлари иттифоқи намояндаларидан икки ярим мингдан кўпроқ киши ЭНЁИ марказий кенгашининг даъватига лаббай деб жавоб қайтариб, ишлаш учун чорвачилик тармоғига келди. Улар қолоқ хўжаликларни оталиққа олиб, уларнинг кўпларини илғорлар даражасига етказдилар, аҳоли учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирдилар.

* * *

ЛОНДОН. Британия консерваторлар ҳукумати олий ўқув юртларининг эҳтиёжлари учун маблағ ажратишни камайтиришнинг янги режаларини ишлаб чиқмоқда. Маориф ва фан министри Кит Жозефнинг жамоалар палатасида сўзлаган нутқидан маълум бўлишича, кабинет олий ўқув юртлари системасини «рационализациялаш» мақсадида шу олий ўқув юртларини пул билан таъминлашнинг бутун системасини «қайта кўриб чиқиш»га киришиш ниятидадир. Пойтахт матбуоти Жозефнинг нутқини шарҳлаб, Британия студентларидан 15 мингга яқин киши ана шу «рационализациялаш»нинг дастлабки жабр-зулмига дучор қилиниб, улар стипендиядан маҳрум этиладилар, деб таъкидлади.

* * *

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ерда Карл Либкнехт номидаги социалистик ёшлар иттифоқи ҳамда «Демократлар ва социалистлар ҳаракатлари ҳамжамияти» ёшлар ташкилотининг ташаббуси билан «Тинчлик, иш, таълим» шиори остида ёшларнинг тинчлик учун кураши куни ўтказилди. Урушга қарши оммавий намойишда Ғарбий Берлиндаги турли сиёсий партиялар, касаба союзлари, ёшлар, хотин-қизлар ва диний ташкилотларнинг намояндалари, шунингдек, 20 дан кўпроқ мамлакат, шу жумладан ГДР, Гренада, Никарагуа, СССР делегациялари иштирок этдилар.

* * *

РИМ. Пойтахт ёшлари шанбада Ғарбий Европада тинчлик учун, Американинг биринчи зарба урадиган янги ядровий ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилишига қарши кураш кунини ўтказдилар. Йигит ва қизлар эрта тонгданоқ шаҳарнинг марказий майдонларидан бирига тўпландилар. Улар ҳалокатли ядровий қуролланиш пойгасига, жаҳонни ядро ҳалокатига итараётган НАТО стратегларининг сиёсатига қарши қатъий норозилик билдириш, Италия ёшлари тинчлик ва хавфсизлик шаронтида яшашни истаётганлигини айтиш учун бир қанча демократик студентлар ташкилотининг даъватига мувофиқ бу ерга келдилар.

ТАМАКИ КАСОФАТ

Трисомия, хромосомаларнинг генетик касаллиги файли кортизон олган самолар кўпинча насл хасталанар келади. Олимлар вақтдан бери бу саънинг келиб чиқ бабинни ўрганиш дан тадқиқот олришмоқда. Янги лумбия университе диклари Нью-Йорк миладор ёлларнинг киши ва трисомия тасида яқол ало жудлигини аниқ Статистик маълу нинг кўрсатишиг латнинг пайдо ҳавфи чекмайдиг ларга нисбатан ч ларда бир мунч ридир. Бу болалар ханизми устидаги қот давом этмоқ хабар қилинади.

ИЧКИЛИК ТУФАЙЛИ

Лондондаги қи медицина коллеж профессори Джон игининг гувоҳи шича, Буюк Брита ги бахтсиз ҳодисанинг асосий сабаб ичкилик бўлмоқда туфайли ҳалокатл проценти, одам ўлимининг 50 ҳолларининг 30 тидан ортиғи, Ш содир бўлаётган ларнинг 40 ф ичкилик туфайли Ўқув юрти ходимл социал «вабога қ курашувчи ташкил зишга киришдилар. ёзади «Морнинг газетаси.



ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. «Ўтмиш сабоқларни унутмаймиз», «Биз уруш ва фашизмга қаршимиз», «Қуролланишга чек қўйилсин» — шундай шиорлар билан мамлакатнинг тинчликсевар кучларни кўллаб намойишлар ва митинглар ўтказишмоқда. Намойиш қатнашчилари Америкаиниинг қирғин қуролларини Германия Федератив Республикасида жойлаштиришга қарши чиқишаётир.

СУРАТДА: Гамбург шаҳрида ўтказилган кишилик митинг қатнашчилари. Улар фашизм ҳукмронлиги йилларида тинчликка чақирувчи сўзларни ёзилган плакатларни кўтариб олишган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ БУРЧИ

Магазинларга ташриф буюраётган ҳар биримиз шундай ҳисоботни бошимиздан кечирамиз: пештахталарда маҳсулотлар жуда кўп, лекин манзур бўладиган нарсалар баъзан йўқлигидан афсусланамиз. Кўпчилик илиб қўйилган жун кофталар, эркакларнинг костюмлари, ич кийимлар... ёнидан эътиборсиз ўтиб кетади. Шундай пайтда беихтиёр ўз-ўзимизга савол берамиз: янги маҳсулотлар, технологияларни ишлаб чиқишда бош муассаса ҳисобланган Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳақида ҳам ўйлаб кўрармикан?

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Н. Каримов ҳисобот-сайлов йиғилишидаги нутқида савдога чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари-нинг сифати ва тури кўпчиликни қувонтирмаётганлиг и н и тан олди.

— Ўтган йили эҳтиёж бўлмаган уч миллиард сўмлик маҳсулотларнинг нархи камайтирилди, — деди у. — Бу йил ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Нега шундай бўлмоқда? Эскирган, модадан қолган, паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тавсия этиляпти-ю, уларга энг яхши хом ашёлар сарф қилиняпти. Маҳсулотлар ассортименти кабинетига 70-йилларнинг намуналари қўйилган.

Тўғри, бирлашмада ишнинг кўрсаткичини яхшилашга ҳаракат қилинмаяпти, деб бўлмайди. Коллектив КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноатни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди.

Бирлашмамиз мутахассисларининг бевосита иштирокида,— деб таъкидлади ўз ҳисобот докладида партия ташкилоти секретари Э. А. Степаньянц, — фан-техника ютуқлари, илғор технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш воситалари, илғор тажрибалар, ихтирочилик таклифларини жорий этиш ва меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил этиш масалалари комплекс ҳал этилмоқда. Экспериментал бўлим кучи билан 300 минг сўмликдан кўпроқ техноло-гик воситалар, ностандарт жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Конструкторлик бюроси ишлаб чиққан ихтироларнинг иқтисодий самараси 3,2 миллион сўмга, сарф этилган ҳар бир сўмнинг иқтисодий самараси 2,5 сўмга етди.

Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида гиламлар, сопол ва хўжалик идишлари маҳсулотлари бўйича республика тадқиқот маркази ташкил этилган. Бу ерда бадиий совет муҳокамасига қўйилган барча маҳсулотлар синовдан ўтказилади. Айни пайтда маҳсулотларнинг физик ва техник хусусиятлари таҳлил қилинади.

Тармоқнинг кўпгина корхоналарида физик ва механик тадқиқотлар, кимёвий анализлар, шунингдек сопол маҳсулотлар ва бошқа буюмларнинг чидамлилигини синовдан ўтказувчи 30 та аналитик лабораторий иш олиб бормоқда.

Аммо, йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, бирлашмада маданий-маиший ва рўзғорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишларни ҳисобга олиш ва уларни планлаштиришда нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Конструкторлик бюросининг адресига ҳамон бажарилаётган лойиҳа ишлари, технологик воситалар ва ностандарт маҳсулотларнинг сифати бўйича шикоятлар тушмоқда. Ҳамон кўпгина ишлар сифатсиз бажарилмоқда. Масалан, Бекобод тикувчилик фабрикаси учун куртка-ларнинг иш чизмалари тайёрланаётганда эскирган намуналар қўлланган. Натижада давлат стандарти ташкилотлари томонидан 120 минг сўмлик жарима солинди. Оддий инженерлик хатосининг қиммати мана шундай.

— Бу йил, — деб таъкидлади йиғилишда сифатни бошқариш бўлими бошлиғи И. Л. Кузина — республика давлат стандарти мутахассислари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатсизлиги учун 15 корхонага жарима солди. 201,9 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш планидан олиб ташланди.

Тикилган буюмларнинг 5 процента, галантерея ва тўқимачилик маҳсулотларининг 31 процента, керамика маҳсулотларининг 4 процента бўйича сортлар камайтирилди. Корхоналарнинг кўпгина маҳсулотлари рақобатқила олиш даражасига эга бўлмаганлиги учун паст сортларга қабул қилинаяпти . Мана шунинг учун ҳам ҳозир маҳсулотлар турини янгилаш, айниқса тикувчилик буюмларининг сифатини ошириш, моделларнинг техник даражасини кўтариш жиддий масала бўлиб қолмоқда. Эталон намуналар амал қилиш муддатидан ўтган ҳолда чиқарилаётганлиги учун ҳам корхона кўпгина жа-рималар тўлашга мажбур бўлмоқда. Шуниси ачинарлики, биз маҳсулотларни тайёрлай туриб, намуна эталонларининг амал қилиш муддатлари бўйича назоратни амалга оширмаяпмиз.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, халқ эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган бугунги куннинг талабларини ҳисобга олиб, технология ишларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг бажарилиш муддатларини қисқартириш бўйича тадбирлар белгилаш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этишни жадаллатиш учун курашиш зарур. Ташаббускорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, шунингдек, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш имконини берадиган механика заводи қурилишини жадаллатиш ва ишга туширишни бунинг имконини беради.

Ижро ва технология интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги, социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш йиғилишда сўзга чиққан кишиларнинг сўзларида алоҳида қайд этилди. Бу ҳақда фрезерчи Германов, стандартлаш бўлими мудири А. А. Ортиқовлар ана шу ҳақда гапирдилар.

Коммунистларни и н г хизмат бурчи бажарилиши бўйича ҳисоботлари ижодий активликни оширишга таъсир этади. Аммо, ҳозирча йиғилишларнинг кун тартибига бундай ҳисоботлар камдан-кам ҳолларда қўйилмоқда. Халқ назорати группаси ишининг самарадорлигини ошириш учун ҳам барча тадбирлар кўрилаётгани йўқ. Иқтисодий ва сиёсий ўқув машғулотларига қатнашиш масаласида нуқсонлар мавжуд. Б. Завулунов, Б. Гутарц, Шапиро сингари бўлинма раҳбарлари, Юрченко, Киреев, Авраменко ва бошқа айрим коммунистлар машғулотларда кам иштирок этяптилар. Тингловчиларнинг активлиги ҳам паст савияда. Ўтган йили машғулотларнинг ўтказилмай қолиш ҳоллари ҳам юз берди. Коммунист С. Ванунц бошқараётган группада ана шундай бўлди. Машғулотларда техника воситаларидан кам фойдаланиляпти. Яқинда янги ўқув йили бошланади, бу гал ўтган йилги хатоларнинг такрорланмаслиги чораларини кўриш шарт. Ўқувга жиддий тайёргарлик кўриш, айтиб ўтилган нуқсонларнинг такрорланишининг олдини олиш бирлашмада ўқувнинг ходимларни ғоявий-назарий жиҳатдан тайёргарлигини оширишдаги самарасини кўтариш имконини беради.

Докладчи ва сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтишганидек, идеология ишларини янада мазмунли қилиш, лекция пропагандасининг самарадорлигини ошириш, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг фаолиятини жонлантириш, методик советларнинг ишини ошириш зарур.

Илмий ишлаб чиқариш ташкилотига айланган «Узместпром» бирлашмаси олдида республика маҳаллий саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этишни жадаллатиш бўйича катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу партия ташкилоти зиммасига илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини мавжуд вазифаларни бажаришга, ишнинг юксак натижасига эришишга, меҳнат рақобатини авж олдиришга сафарбар этиш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, ҳар бир кишининг топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш бўйича вазифаларни қўймоқда. Қабул қилинган қарорда цех партия ташкилотларининг иш сифатини ошириш ва технология ечимларининг муддатларини қисқартиришдаги, ҳар бир ишчининг масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этишни тезлатиш учун курашдаги роли алоҳида таъкидланди.

Н. ПАНЯКШИНА.

● ФЕЛЬЕТОНЧИ ЛУҚМАСИ

«Суяги бизники, этичи? ..»

Ҳар кимнинг ўз таъби бор. Биров сап-сариқ ошқовоқни ёқтирса, аччиқўр гаримдорнинг қип-қизилини хуш кўради. Фрунзе райпишчеторгига қарашли 19-магазин сотувчилари анойи эмас. Улар пулнинг яхлитини ёқтиришар экан.

Мана, эшитинг! «19-магазинда ҳафтада бир марта Улуғ Ватан урушн ветеранларига икки килограммдан гўшт сотилади. Шу йил сентябрь ойидан бери бу ерда ишлаётган икки сотувчи аёл ветеранларин қаттиқ ранжитяпти. Уларда қайтим бериш одати йўқ. 1 сўм 85 тийинлик гўштдан 1 кило-ю 800 грамм тортиб, 4 сўмлик тортдим деб қараб тураверадилар», деб ёзади Левановский кўчасидаги 10-уйда яшовчи Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветерани А. Абдуллаев.

Демак, гўштнн яхлит —икки килограммлик қилиб тортишга сотувчиларнинг рағбати йўқ, айни пайтда пулнн яхлит олишга суякларн йўқ. Гап суякка бориб тақалган экан, суяк ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмасак бўлмас. Юқоридаги хат авторнинг «суяги бизники, этичи!..» деб ёзишича, қуруқ суяклар гўшт пештахтаси ёнидаги эшикда турадн. Тўрт сўмлик гўштнинг бир қисмн шу эшикдан олиб торозига қўйилган суяк бўлади. Суяк йўқ пайтда нима бўлади дерсиз. Нима бўларди, жангларда суяги қотган ветеранлар саф тортиб «Пештахта сарн, олға!» деган команданн кутиб тураверишадн.

Чуноичн, А. Абдуллаев 12 октябрь куни соат 10 да магазинга бордн. Олтн—еттн кишн навбатда турган эдн. Бирдан сотувчилар ҳеч нарса демай ичкарига кирнб кетишдн. Ярнм соатдан кейнн пнча чопилган гўшт олиб чиқиб, беш кишига тортнб берншдн ва яна ичкарига кирнб ғойиб бўлншдн. Энди 45 мннутдан сўнг гўшт ва бир яшик қуруқ суяк олнб чиқишдн. Бу пайтда навбатда турганлар сонн 50—60 кишига етдн. Ветеранлардан бирн магазнн ҳовлнсига ўтнб, хабар олдн. Қарасакн, гўшт чопилган, лекнн магазнн ходимларн ҳозиргнна машинада келтирилган суякнн майдалашаётган экан. Демак, сотувчилар гўштга қўшиб сотиладнган суяк келишннн пойлаб турншган экан.

Навбат кутнб тоқатн тоқ бўлган чол-кампирлар магазнн мудирнни чақирншнн ёкн шнкоят дафтарнни бермшнн талаб қнлншдн. «Магазнн мудирн ўшт тушмряптн, шнкоят дафтарн йўқ» дедн такаббурлнк билан нчкарндан гўшт кўтариб чиққан йигитча.

Соат ўнда келиб еттннчн бўлнб навбатда турган кишн 11 дан 20 мннут ўтганда гўшт олдн. Суяк қўшилганн учун норозлнк билдирганн сабабли унга бир килограммну 700 грамм гўшт тортнб, бнр қоп нордон гапга ўраб берншдн.

«Менинг навбатнм 11 дан 40 мннут ўтганда келдн. Яънн, бир ярнм соатдан ортиқ турднм. Уруш ветеранларининг ҳалол нонини туя қнлаётган ҳийлагар сотувчиларга танбеҳ берадиган раҳбар ходимлар борми!» деб хатнни тугатадн А. Абдуллаев.

Ҳа, қўлн эгрн савдо ходимларнинг танобнни тортнб қўйнш керак бўлган мутасадди раҳбарлар бор. Улар, аввало Фрунзе райпишчеторги раҳбарлари, қолаверса шаҳар савдо Бош бошқармасидагн мутасаддн ўртоқлар. Улар гўшт магазинларидагн болталар бежо урнлаётганнни бнпишмайдн дейсизмн! «Тошкент оқшомн» — «Вечернй Ташкент» газеталарн бу масалага қайта-қайта мурожаат қилишнга қарамай, ветеранларнн гўшт бнлан таъмнлашда юлғичларнинг қўлн узунлнгнча қоляптн. Нега!..

М. НУРМАТОВ.

● «Тошкент оқшомн»да босилгандан кейин

«Меҳмон ранжиб кетди»

Газетанинг шу йил 24 август сонида юқоридагн сарлавҳа остнда берилган мақолага «Главташпассавтотранс» бошқармасидан қуйндагн жавоб олнндн.

Мақолада шу йил 17 июль куни 6-таксопаркка қарашли 26—84 ТНА машинасининг ҳайдовчнси М. Мирсоатов такси хизматн қондасини қўпол равишда бузнб, машинадагн йўловчндан рухсат сўрамасдан, йўлда қўл кўтарган йўловчнни машинага олган. Мақоладагн фактлар тўла тасдиқланди. Қондани бузнб, йўловчиларга нотўғрн хизмат кўрсатганлнгн учун ҳайдовчн М. Мирсоатов 157-буйруқ бнлан бир ойлик мукофотдан маҳрум этилдн.

«Кўчамизда чироқ йўқ»

Шу йилнинг 9 октябрь сонида юқоридагн сарлавҳа остнда газетхон Т. Муродованнинг шнкоят хатн берилнб, унда 2-«Ташавтомаш» массивндагн трактopсозлар бозорчасндан трамвай йўлнгача бўлган масофада кўчага чироқ ўрнатилмаганлнгн танқнд қилнган эдн.

Редакцня шаҳар кўчаларнни ёритиш идорасндан қуйндагн жавобнн олдн.

Ҳақнқатан ҳам олдни юқорида кўрсатилган адрес бўйнча кўчаларда снмёғочлар йўқ эдн. Шу йилнинг август ойида шаҳар кўчаларнни ёритиш идорасн томонндан снмёғочлар ўрнатилди. Бугунгн кунда ҳамма снмёғочлардагн лампочкалар кечқурунлари чарақлаб ёнnб турнбдн.

ОИЛА даврасида суҳбатлар

● БОЛАЛАР ХОРИНИНГ ДОВРУҒИ ● ОДОБ — ИНСОН ЗИЙНАТИ ● МУЪЖИЗАЛАР СИРИ ● ЭНГ ЗАРУР УҚУВ ҚУРОЛИ ● ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ... ● ТАРИХДАН КИЧИК ЛАВҲАЛАР ● БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ.



● САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

БАХТИЁРЛИК КУЙЧИСИ

«Болаларнинг шўх овозлари, қувноқ кўшиқлари янграган халқ бахтиёрдир». —Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг «Булбулча» болалар хорининг санъатига мафтун бўлган югославиялик бир санъаткор шундай деган эди. Дарҳақиқат, «Булбулча» қаерда куйламасин, концерт зали ёки телевиденидами, завод клуби ёки дала шийпонидами ҳамма жойда унинг жозибали қўшиқларн сержило ва сермазмунлиги билан тингловчи қалбини дарҳол ром этади, унинг қалбига маънавий бойлик уруғини сочади.

Бугунги кунда Ўзбекистон телевидениеси орқали «Қўшиғим — жон қўшиғим» кўрсатувининг эфирга чиқишини республикамизнинг дагина эмас, ҳатто қўшни Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон республикаларининг неча юзлаб мактаб ўқувчилари қайта-қайта кўришмоқда. Бу кўрсатувнинг бунчалик машҳур бўлишида «Булбулча» болалар хори ва унинг бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шермат Ерматов ҳамда хормейстерлар Сожида Алимова, Дилбар Умарова, Иброҳим Рўзиев, шунингдек концертмейстер Валентина Шадриналарининг ижодий изланишлари муҳим аҳамиятга эга.


«Булбулча» қардош республикалар санъаткорлари ҳамда Ғарбий Европа классик композиторлари И. Бах, Керубини, Ф. Шуберт, В. Моцарт, Генделнинг қўшиқларини маҳорат билан ижро этади. Болалар хори енгил рўҳдаги тантанавор тароналарни ҳам, тинчлик, болалик, бахт, Ватан, она, дўстлик, табиат, пахта, санъат ва қуёш ҳақидаги қўшиқларни ҳам ниҳоятда табиий, ўз сафига бирлаштирган. Улар ҳар йили 60 га яқин янги қўшиқ ўрганишмоқда. «Булбулча» болалар хорининг репертуари кенгайишида С. Бобоев, А. Берлин, Ш. Рамазонов, Е. Шварц, Ғ. Қодиров, С. Абрамова ва бошқа композиторларнинг ҳиссалари катта.

«Булбулча» болалар хори нафақат республикада, Иттифоқимиз шаҳарларн ва хорижий мамлакатларда ҳам олқиш олмоқда. У Москва, Ленинград, Киев, Олма-Ота, Душанба, Боку, Фрунзе, Уш шаҳарларининг меҳнаткашлари, шунингдек Финландия, Конго ва Югославия мамлакатлари халқларининг ҳурматини қозонди. Айниқса, Скопье шаҳрида ўтказилган «Олтин булбулча» халқаро конкурсининг лауреати бўлиш коллектив ижрочиларини янги ижодий парвозларга чорлади. Москва области «Камертен» хор жамиятининг конкурсида СССР халқ артисти, профессор В. Соколов ҳамда РСФСРда хизмат кўрсатган артист, композитор Г. Струве каби йирик санъаткорлар «Булбулча» санъатига юксак баҳо беришди. Зеро, «Булбулча» куйлаган қўшиқларда социалистик ҳаётимиз, совет воқелиги, бахтиёр болалик тараннум этилмоқда.

Р. НЕЪМАТОВ,
М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси доценти.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Булбулча» болалар хори ижрочилари.
Д. Хўжаева фотолари.



БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ҚУЛОҚҚА СУВ КИРГАНДА

Ювинаётган пайтингизда кўлингизга сув кириб қолиб, ғашингизга тегади, то чиқиб, кетмагунча сизга тинчлик бермайди. Агар қулоғингиз соғлом бўлса, бу нарсанинг ҳеч хавфли томони йўқ. Бордию, қулоғингизга қандайдир сурункали яллиғланиш хасталиклари мавжуд бўлса, қулоққа сув кириши ана шу касалликни қайтадан ҳуруж қилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун қулоқ хасталикларига учраган кишилар ювинаётган пайтларида ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари зарур. Бунинг учун ювинишдан олдин қулоқ ичига бир оз борная мазь, вазелин суртилган пахта тиқиб қўйиш керак.

Агар қулоққа сув кириб қолса, уни қандай чиқариш мумкин? Бунинг учун аввало, қайси қулоғингизга сув кирган бўлса ўша томонингизни пастга қилиб ёнбошлаб ётишингиз керак. Агар бу тадбир ёрдам бермаса гугурт чўпига пахта ўраб, жуда эҳтиётлик билан таҳминан бир сантиметргача эшитиш йўлига киритилиб, сув пахтага шимдирилади. Бу нарсани бир неча бор (токи пахта қуруқ қолда чиқмагунча) қайтарилади.

Агар қулоғингизда қандайдир оғриқ бедаруви ёки ғашни келтирувчи аломатлар пайдо бўлса, у ҳолда албатта мутахассис-врачга учрашишингиз лозим бўлади.

Қ. НИЗОМОВ.

● Китоб жавонингизга

«Нафис ҳиссиёт ҳарорати»

Ҳаёт шундай бир мактаб, шундай улуғ муаллимки, унинг таълими, зиёси, турмушни ўргатиши ҳаётнинг ўзидек бебаҳо, худди ўзидек бепоён ва чексиздир. Кўпни кўрган, кўп яшаган, ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларидан ўтган, ачиқ-чучукни тотиган кексаларимиз ақл-заковати, зиёси, тажрибалари билан йўлимизни мунаввар этиб турадилар. Заҳматкаш адиб Ёқубжон Шукуровнинг «Нафис ҳиссиёт ҳарорати» китоби ҳаёт тажрибаларидан, кўрган-кечирганларидан, турмуш нақл-ҳикматларидан тузилган.

«Ҳаёт мактаби» сарлавҳаси остида берилган ҳикоячаларда яхшилик, камтарлик, адолат, ақл-заковат, умр сирлари ҳақида Зиё бобонинг ўй-фикрлари қизиқарли тарзда ифодаланади. Китобчадаги «Асоссиз орзу—келтирар қайғу», «Бола тилаги ва ота юраги» лавҳаларида ота-онанинг фарзандни тарбиялашдаги эзгу меҳнатлари, баъзида уларнинг кўнглига қараб тарбияси ноқобил бўлишига олиб келадиган сабаблар ҳаётий мисолларда очиб берилади.

«Эркин дунё» қиссаси» ҳикоясида жуда ачинарли воқеа баён қилинган. Сариқ иблис мамлакати бўлган АҚШда капиталистлар роҳат-фароғатда яшайди, оддий меҳнаткаш халқ иш тополмайди, улар ҳаётдан кўра ўлимни афзал кўрадилар.

«Оқибат» лавҳасида меҳнат қилган камол топиши, ширин ҳаёт лаззатини тотиши, одамлардан олқиш олиши ҳаётий мисолларда баён қилинади. Китобчанинг сўнгги қисмида ҳаёт, бахт, меҳнат, ота-она, фарзанд ва бошқа инсоний фазилатлар ҳақида берилган ҳикматнома ўгитлар ўқувчига катта маънавий озиқ беради, ундан ибрат олади.

Т. АШРАФХОНОВ.

● ЯХШИ ХИСЛАТ—ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Аёл иффати ҳақида

Мен онаман, юрагимда
Бордир меҳр булоғи.
Юрсам йўлда гул очилиб,
Яшнар ўлкамнинг боғи.

Аёлни табиат кўрки дейишади. Зеро, ҳаётнинг давомийлиги, баҳорнинг чаманлиги, турмушнинг файзи ҳам аёлларга боғлиқ. Шу боис эзгу тилакли, яхши ниятли қишиларга ҳамиша сирдош, меҳрга макон аёл кўзларидир. Муқаддас оналикни шарафлаб, оилада давримизга муносиб фарзандларни тарбиялаётган, корхонада эса меҳнат ютуқларига эришаётган оналар билан фахрланамиз.

Аёл киши касби-коридан қатъий назар, унинг ҳаётда тутган ўрни, обрўси оналиги, фарзандларга бераётган тарбияси билан ўлчанади. Мен бир аёлни — Шарифахон Мирсоатовани танийман. Ўн бир йил муқаддам унинг бошига оғир кулфат тушди. Умр йўлдоши вафот этди. Уч ўғилнинг тўнғичи энди ўн яшар эди. Ўшанда қўни-қўшнилар ҳам, эшитган одамлар ҳам Шарифахоннинг ўттиз бир ёшида бева қолганига ачинишди, уч ўғилни тарбия қила олармикан, деб ўйланиб қолишди.

Ҳа, ўн бир йил ўтди. Шарифахоннинг ҳаётдан, қийинчиликдан нолиганини ҳеч ким эшитмади. Қанчалик қийин бўлмасин, севикли умр йўлдошидан абадий ёдгорлик бўлиб қолган уч ўғилни кипригидек асраб-авайлади. Ўзи бир умрга ўша оқила, камтар, дилкаш, қувноқлигича қолди. Меҳнат орқасида уч ўғилни тарбиялаб вояга етказишдек инсонийлик, оналик бурчи борлигини қалбдан ҳис этди.

Ҳали ёш бўлгани учун турмуш қуриш ҳақида оғиз очувчилар кўп бўлди. Лекин Шарифахон оналик бурчини, шарафини фақат ўзи баҳраманд бўладиган лаззатга алмашиси келмади, фарзандларининг келажагини, уларнинг тақдирини ўйлади. Ҳаётда маънавий гўзал аёлларгина шундай йўл тутадилар.

Ана шу меҳнатлар, машаққатлар ва сабр-қаноат эвазига Шарифахоннинг ўғиллари ақлли-ҳушли бўлиб вояга етишди. Катта ўғли Шуҳрат ҳарбий хизматни аъло ўтаб, ҳозир ишламоқда. Ўртанчаси Шавкат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студенти, кенжаси Фурқат ўрта мактабнинг 9-синфида ўқияпти. Ҳаммалари каттани кўрганда саломини, кичикларидан эҳтиромини аямайдиган фазилатли бўлдилар. Фарзандлари камолотидан мамнун Шарифахон Чилонзордаги 488-дорихонада ҳалол меҳнат қилмоқда.

— Бизнинг Шарифахон, оқила онахон, — уни хоҳ қариндошларникида, хоҳ маҳалла-кўйда бўлсин ҳурматини жойига қўйиб шундай илиқ қутиб олишади. У билан суҳбатлашган аёлларнинг ташвиши йўқолади, кўнгиллари мунаввар бўлади. Ҳаётда фарзанд тақдирини ҳамма нарсадан афзал кўриб, юрагининг тўрига жойлаштирган аёлларгина ана шундай ҳурматга, иззатга сазовор бўлишади.

Лекин, орамизда болаларининг тақдири, тарбияси билан қизиқмай, ўз ҳузур-ҳаловатини, айш-ишратини кўзлайдиган аёллар ҳам учрайди. Шу ўринда дугонам айтган бир воқеа ёдимга тушди. Уларнинг уйига янги қўшни келибди. Аввалига ҳаммалари ёш, лобар экан деб севинишибди. Кейинчалик эри билан ажралишиб, уйни алмаштиргани маълум бўлибди. Бир куни дугонамнинг ўғли «пулим бор» деб мактанибди. Сўраб-суриштирса, бояги Ҳафиза исмли қўшнисининг ўғли берган экан. Фақат унга эмас, ҳамма болаларга пул улашганини айтибди. Чиндан ҳам қўшни болаларга пул улашганини дугонам кўпчиликдан эшитибди, шунда у Ҳафизахоннинг ўғли Даврондан пулни қаердан олдинг, деб сўраганида, уйимизга келадиган амакилар беришди, деб жавоб берибди. Ҳафизанинг ўзидан сўраганида кизариб-бўзариб, «Касаба союзнинг пулини шкафга қўйган эдим», дебди. «Пулингиз шунақа кўп бўлса, омонат кассага қўйинг, лекин болаларимизни пулга ўргатманг», дебди дугонам. Шу жараёнда у уч бола билан қийналаётганидан, тарбиясидан нолибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан уч болани интернатга топширибди. Шундан сўнг уйига келадиган, «меҳмон»лар кўпайиб, сершовқин музикадан қўшниларга тинчлик бўлмас экан...

Тўғри, интернатда болаларнинг ҳар томонлама тўғри ўсишлари учун имконият бор. Лекин бу дегани, оналикнинг бутун завқу-заҳматларидан воз кечиб юбориш эмас. Болалари ҳафталаб эмас, ойлаб уйга келишмас экан. Ҳафизахоннинг ўзи бўлса ҳар йили дам олишга боракан. Кўчакуйда одамларга уч болани тарбияляпман, деб мақтаниши одат экан.

Халқимиз, меҳр кўзда бўлади, деб бежиз айтмаган. Ҳафиза энг қимматли туйғу— болалари катта бўлганда оналарига нисбатан бемеҳр бўлишини ҳаёлига келтирармикин?!

Биз аёллар, оналар мол-дунёга ихлос қўйишдан, бойлик орттиришдан, ўз оромимизни ўйлашдан кўра, кўпроқ болаларимиз келажагини ўйлашимиз, уларни давримизга муносиб тарзда тарбиялаш ҳақида қайғуришимиз керак. Ҳаёт мураккаб. Баъзан биз аёллар арзимаган нарсалар деб уни янада мураккаблаштирамиз, фарзандлар тақдирини ўйламасдан бўлар-бўлмасга оилада ажралишга йўл қўямиз.

Оилада эр-хотин тотув, аҳил, баҳамжиҳат бўлиб, бир-бирини тарбиялаб борса, улар ўртасидаги муҳаббат зўр кучга айланади. Бунда масъулият кўпроқ аёллар зиммасига тушади. Ота-боболаримиз шунинг учун, хотин киши тош келса кемириб, сув келса симириб яшаши керак, дейишган. Фарзандлик бўлишининг ўзи она бўлди, деган гап эмас. У оналик завқига, машаққатига илк қадам, холос. Оналикни олқаб, ойлаб яшаш ҳар бир аёлнинг муқаддас бурчидир. Гап ана шу бурчимизни ҳар биримиз қандай уддалашимизда қолган.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА.

Луқма ● Номи бор-у, ўзи йўқ

«Ассаломуалайкум дўстим Ибодулла! Қалай, аҳволларинг яхшими! Уйдагилар, қариндош-уруғлар соғ-саломатми! Дўстим сенга ёзган олдинги мактубларимда агар сизлар томонда 5, 6, 7-синфлар учун контур карта бўлса менга юборишингни илтимос қилган эдим. Жавоб хатингдан маълум бўлдики, у томонларда ҳам бундай карта анқонинг уруғи экан. Уша хатимдан кейин ё бахт деб контур карта қидириб шаҳри азим Тошкентимизнинг барча китоб магазинларини тинт-пинт қилиб юбордим. Лекин бирор жойдан тополмадим. Сотувчилардан сўрасам нуқул «билмаймиз» дея елка қисишади. География ўқитувчимиз бўлса «қаердан бўлса ҳам топасанлар» деб бир этикка оёқ тиққани-тиққан. Шу баҳона яқинда ўқитувчимиз билан ади-бадига бориб қолдик. У бизга ўтган тема юзасидан контур картага шартли белгилар қўйиб келишимизни буюрган эди. Картам йўқлиги сабабли уй вазифасини бажара олмадим. Ўқитувчимиз бўлса, сўрабнетмай журналга шартта ёмон баҳо қўйиб қўйди. Шу куни синфимиздаги даярли барча болалар «иккки» билан сийландик. Фақат уч кишигина вазифани бажарибди, холос. Улар ҳам қўлларидаги контур картани бундан уч-тўрт йил илгари қайсидир магазиндан сотиб олишган экан.

Нима қилишга ҳайронман. Агар сизларнинг Фарғона шаҳрингизда ҳам бундай карта йўқ бўлса, демак уни республикамиз магазинларидан ахтариб ўтирмасак ҳам бўларкан-да. Қизиқ. Мингминиглаб ўқувчилар учун сув ва ҳаводек зарур бўлган бу ўқув қуролини етарлича ишлаб чиқариш наҳот шунчалик қийин бўлса!

Дўстим Ибодулла, энди нима қилдим! Бошим қотиб қолди. Маслаҳатингни мендан аямассан деган умиддаман».

М. Нишонов хатини оққа кўчирувчи
М. КОМИЛЖОНОВ.

СЎНГГИ КОЛОНКА

● СОВЕТ КИТОБЛАРИГА ҚИЗИҚИШ

Мозамбик пойтахтидаги Эдуардо Мондлане номидаги университетда Октябрнинг 67 йиллиги санасига бағишланган совет китоблари виставкаси очилди.

К. Маркс биографияси, марксизм-ленинизм классиклари асарларининг совет-португал ҳамкорликдаги нашри, шунингдек ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, ўқув, бадиий адабиёт нашрларн айниқса зўр қизиқиш уйғотмоқда. Студентлар, шунингдек совет мутахассисларн ҳам ишлаётган миллий профессор-ўқитувчилар коллективи университет факультетларига ва унинг кутубхонасига совға тариқасида икки мингта китоб тортиқ этилиши ҳақидаги хабарни зўр қониқиш ҳисси билан кутиб олди.

● ШАҲАРДА ТАЪМИРЛАШ БОШЛАНАДИ

Миср ва польяк археологлари биргаликда куч-гайрат сарфлаб Искандарияниг ғарбида яқинда очилган шаҳарни таъмирлайдилар. Биринчи навбатда византия даврига мансуб бўлган портлар ва тураг-жойлар реставрация қилинадиган бўлди.

● ПЕЛЕ: «МЕН ФАҚАТ ПРЕЗИДЕНТЛИКНИ ИСТАЙМАН»

Бразилия футболининг собиқ юлдузи Эдсон Арантис ду Насименту ёки оддий қилиб айтганда жаҳонга машҳур Пеле ўз мамлакатининг президентлигига номзодини қўйишга қарор қилди. Келгуси йилнинг бошида ўтказиладиган сайловда эмас, балки олти йилдан кейин бўладиган сайловга у ўз номзодини қўймоқчи. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ Пеле хаёлан ўзини Лотин Америкаси қитъасида қора танлилардан сайланган биринчи президент сифатида ҳис этмоқда. Бразилияда чиқадиган «Фолья ди Сан-Паулу» газетасининг хабарига кўра экс-футболчи сенаторлик ўрнини ҳам, губернаторлик лавозимини ҳам ўзига унчалик эп кўрмаётмр. «Мен фақат президент бўлишни истайман», — деб баёнот берди Пеле газетага.

● РАКЕТА БИЛАН СИНДИРИЛАДИГАН ОЙНАЛАР

Токио осмонўпар биноларн энг кўп бўлган жаҳондаги пойтахтлардан биридир. Ер участкаларининг баҳоси тобора ошиб боришн шундай осмонўпар иморатлар қурилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда шаҳарда юз қаватли бинолардан 38 таси мавжуд. Ана шу уйларга айниқса мустаҳкам, зилзилага бардошли ойналар қўйилганн ёнғин чиққан пайтларда қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқарадн. Бундай дераза ойналарнин болғалар билан ҳам уриб синдирнб бўлмайди. Ана шунинг учун токнолик ўт ўчирувчилар ёнғин пайтида ишлатадиган анжомларн ёнига махсус ракеталарнн ҳам қўшиб қўйдилар. Улар вертолётдан туриб шу ракеталарни дераза ойналарига қарата отадилар.

● ТЕЛЕФОН БУДКАСИГА ҚАНЧА ОДАМ СИҒАДИ?

Гоҳида ҳайрон қоласан кишн. Одамлар бнрорта «рекорд» ўрнатаман деб нималар қилишмайди, дейсиз. Калифорния штатининг Морага шаҳарчасидаги Шимолий Марня коллежи студентларининг яқинда «эришган» бу борадаги «ютуғи»ни шундай «рекорд»лар қаторига қўшиш мумкин. Томи ва эшиги бўлмаган оддий телефон будкасига ана шу олий ўқув юртининг кўп эмас, оз эмас 24 вакили сиғишга улгурибди...

Бир шингил табассум

ПОЛЯК ХАЛҚ ЮМОРЛАРИ

КИМ БЕМОР!

Она бўйига етган қизи билан врачга борди:

— Ечининг, — деди қизга қарата врач.

— Йўқ, йўқ! Касал у эмас, мен,— деди она.

— Э, бундай денг. Қани, оғзингизни очинг-чи.

ЎҒИЛ

— Алло, бу пан Новакми! Сизни туғруқхонадан безовта қилаяпмиз. Бундан бир неча минут илгари Сиз ўғилли бўлдингиз..

— О, раҳмат, ўша бахтли онанинг исмини айтолмайсизми!

МАСЛАҲАТ

Врач беморга маслаҳат берди:

— Мен берган дорини бошингизнинг оғриғи бошланмасдан ўн беш минут олдин ичинг.

ИШИ ЮРИШМАГАН ОДАМ

— Рудо лотерея билетига юз минг крон ютдн.

— Қачон!

— Тўйидан бир ҳафта кейин.

— О, бечора-ей. Унинг иши ҳеч қачон юришмади, юришмади-да.

Ҳакимжон КАРИМОВ таржимаси.

● ШИНГИЛ ЎГИТЛАР

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Илоннинг «ўлгиси келса» типратиконга ҳужум қилар экан. Дарҳақиқат, типратикон беозор жонивор бўлгани билан ёвуз жонига қасд қилса, тиконлари сон-саноқсиз найзага айланар экан. Аммо, ўшанда ҳам ўзи санчмас, ёвуз ўзининўзи найзага уриб ҳалок бўлар экан.

ЧИРОЙ

Дарё суви билан, одам эса ақли билан гўзалдир.

НУР ЖИЛОСИ

Кўз илғамас оппоқ нур жилваланса етти хил товланганидек, инсон тафаккури шундай кенгки, ўз кучини намойиш этса оламни мунаввар қилади.

НЕГА ЭНДИ?

Фоксчи қўл ўйнатиб йўқдан бор қилганида ўзи эмас, қойил қолиб Сиз куласиз. Шунга ўхшаш қассоб қўл ўйнатиб тарозига гўшт ўрнига суяк ташлаганда Сиз эмас, ўзи кулади. Нега энди? Фойдаси ҳаром ҳамёнига тушади-да.

ҚОВУН

Бир киши қовун экади-да, мннг киши ундан тановул қилади, қовун ширин бўлса деҳқон раҳмат эшитади, бемаза бўлса нафрат олади. Демак, фарзанд ўстириш ҳам шунга ўхшайди.

Қудратулла ИНОҒОМОВ.

● ФИЛАТЕЛИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Қадимий ва навқирон диёр

Ўзбекистон ССРнинг Давлат Герби ва байроғи, уларнинг кетидан бамисоли жимжимадор дераза ичида нақшга ўраб тасвирланган электр станция тўғони, саноат корхоналари, пахтазордаги комбайн, буларнинг ҳаммаси— қадимий ва навқирон диёр манзаралари...

Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига совет почтаси ана шундай марка чиқарди. Ундаги сурат рамзий маънода. Аммо ҳозирги рамзий маъно бундан эллик йил муқаддам «СССР халқлари» серияси учун «Ўзбекистон» миниатюрасини яратган рассом В. Завьялов фойдаланган рамзий тасвирдан мутлақо фарқ қилади. Ўшанда у кенг майдонни тасвирлаб, унда эскилик билан янгиликни— арава билан юк машинасини, эшак билан тракторни, кўхна ва замонавий биноларни ёнмаён қўйган эди.

Юзлаб маркалар ва бадиий конвертлар социалистик Ўзбекистоннинг қиёфасини акс эттиради. Республиканинг 25 йиллиги нишонланган пайтдаёқ почта миниатюралари сериясида Катта Фарғона каналининг, ҳукумат уйининг, Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг ва Тошкентдаги педагогика институтининг суратлари пайдо бўлган эди.

Серқуёш Ўзбекистон пойтахтига айниқса кўп марка бағишланган. Уларда шаҳарнинг меъморчилик обидалари, театрлар, музейлар, олий ўқув юртлари, кутубхоналар тасвирланган. Шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейига, Тошкент метрополитенининг ишга туширилишига атаб махсус нашрлар чиқарилган. Ҳали яқиндагина В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, янги «Россия» ва «Москва» меҳмонхоналарининг суратлари туширилган конвертлар пайдо бўлди.

Филателячиларнинг тўпламларида Андижон ва Фарғона, Термиз, Наманган, Урганч шаҳарларининг бирталай замонавий манзаралари тасвирланган маркалар бор. Янги Советобод, Чуст, Жарқўрғон, Шаҳрихон шаҳарлари ўзларининг почта визит карточкаларини олдирлар. Ҳақли равишда ёдгорлик шаҳарлар деб аталувчи шаҳарларга бағишланган нашрлар эса ҳам ҳозирги замонни, ҳам қадимий ўтмишни тасвирлайди. Уларда Самарқанддаги гўзал Регистон ва Шоҳизинда ансамбллари, Бухородаги тимлар, мақбаралар ва мадрасалар, Хива ва Қўқондаги саройлар гавдалантирилган.

Бундан ташқари почта 1976 йилда Бўзсув ГЭСининг 50 йиллигини нишонлаган эди. Бу нурхона Ўзбекистон социалистик экономикасининг тўнғичи ҳисобланади. У ҳам яқин ўтмишдаги, аммо қаҳрамонона тарих ёдгорлигидир. Бизнинг кўз ўнгимизда ҳам ёдгорликлар барпо этилмоқда, улар конверт ва маркаларда тасвирланган Тошкент қурилишларининг манзаралари бўлиб, уларни дўстлик ёдгорликлари дейиш ўринлидир, зеро бу шаҳарни қайта тиклашда бутун мамлакат ёрдам берди.

Кишиневда иқтисодий ҳамкорлик программасига асосан «Флоаре» гилам комбинати ишга туширилди. Бу комбинат ишлаб чиқарган маҳсулотлар аҳоли томонидан яхши қутиб олинмоқда. Йил бошидан бери комбинат 1,3 миллион сўмлик маҳсулотни пландан ташқари реализация қилди. Ишлаб чиқарилаётган гиламларнинг тури ва сифатини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар олиб борилаяпти.

СУРАТДА: комбинатнинг илғор тўқувчилари Ионна Волошук (чапда) ва Мария Богдан тайёр маҳсулотларни намойиш қилишмоқда.



Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

1 НОЯБРЬ, 1984 й.

КУЗНИНГ САҲИЙ НЕЪМАТИ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА!

1—6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ

УЙ БЕКАЛАРИНИНГ БАЙРАМ АРАФАСИДА ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАРИ ВА НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН САБЗИ, ПИЁЗ, КАРАМ, МОШ, ГЎШТ, БАЛИҚ ВА БОШҚА МАСАЛЛИҚЛАРНИ

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

РЕСПУБЛИКАНИНГ 11 ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТЧИЛАРИ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ДЎРКУН ЕТИЛГАН ХЎЛ МЕВАЛАР, АНОР, ОЛМА, НОК, БЕҲИ, ХУРМО, ҚОВУН-ТАРВУЗ ВА АСАЛ, ҚУРУҚ МЕВА, КИШМИШ, ҚОВУН ҚОҚИ ВА БОШҚА НЕЪМАТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИЛАР.

СИЗЛАРНИ САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИГА ЧОРЛАЙМИЗ:

КИРОВ РАЙОНИДА— Дзержинский майдонида, Юнусобод бозорида;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА—Фарҳод бозорида;
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА—метронинг «Чилонзор» станциясида;
ФРУНЗЕ РАЙОНИДА —Тўқимачилик комбинатида, Марказий бозорда;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА— Қора-Қамиш бозорида;
КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА— Трактор заводи ва 1-«Қорасув» массиви бозорларида;
ҲАМЗА РАЙОНИДА— Шолохов кўчасида;
СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА —Сергели бозорида;
ЛЕНИН РАЙОНИДА —Яшил бозорда;
ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНЛИГИ (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

32 (161)-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
18 ЁШГА ТЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТ-СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ойгача.
СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 3 ойгача.
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.
Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентигача миқдорида пул муқофоти оладилар.
ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Ўқишга кирган йигит ва қизларга ойига 72 сўм миқдорида стипендия берилади.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти»; 21, 49-«э» автобусларнинг «2-нон заводи» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

1984-85 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ


Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор яшчилар, колхозчилар, пионервожатийлар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, совхозлар, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.
Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.
Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
1984/85 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» ва ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан мутахассислар тайёрлайди.
Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлим) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).
Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.
Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.
Қабул қилиш 26 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.
Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.
Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1984 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.
Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 6-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ҚУВОНЧЛИ ЮМУШЛАР

Шу кунларда ҳаммамизнинг юмушимиз янада кўпайиб кетди. Улар орасида энг қувонарлиси — бу байрам арафасидаги харидлардир.

Сиз ўз гардеробингизни янгилаш, зебу-зийнатли буюмлар сотиб олиш ёки дўстларга совғалар тақдим этиш ниятида бўлсангиз албатта магазинларга марҳамат қилингиз!

Бугун биз сиз ҳурматли тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларини байрам олди савдосини авж олдириб юборган пойтахтнинг марказий универсал магазини, «Олмос» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси ва «Таштекстильшвейторг»нинг магазинларига таклиф қиламиз.



ДЎСТЛАРГА СОВҒАЛАР ТАҚДИМ ЭТИНГИЗ

Улар сизларни узоқ вақтларгача эслаб юришади.

Миллий услубда яратилган совғаларга алоҳида эътиборни қаратинг. Бу дўппи ёки чопон, лаган ёки пиёла, патнис ёки безакланган ёғоч қутича бўлиши мумкин.

...Хотин-қизларга совғалар тақдим этингиз. Қайси бирини дейсизми? Буни ўзингиз ҳал қиласиз.

Марказий универсал магазинининг парфюмерия секцияларида майин ва муаттар исли ва аксинча кучли ва ўткир исли «Елена», «Сардоникс», «Легенда», «Гармония» атирларини сотиб олишингиз мумкин.

Барча аёлларнинг у ёки бу меъёрда косметикадан фойдаланишини унутмангиз. Марказий универсал магазинида лаб бўёғининг барча хиллари, упа, қош, ва қовоқ бўёғи кенг кўламда сотувга қўйилган.

Маросимларга ўраладиган рўмоллар, ёрқин гулли дурралалар, театр сумкаси, кундалик, спорт сумкалари, қўлқоплар, соябонлар буларнинг ҳаммаси аёлларга хос бўлган буюмлар бўлиб, улар байрамга аталган муносиб совғалардир.

ЗЕБ ЗИЙНАТ БУЮМЛАРИ

Сиз ўзингизнинг чиройли безакланган қутичангизга назар ташланг. Балки сиз уни янги заргарлик буюмлари билан янада бойитишни хоҳларсиз?

Зийнат буюмларини тақиб кўринг. Улар сизга жуда ҳам ярашиб турибди. Қаршингиздаги тош ойна ва туғишганларингиз, таниш билишларингиз сиз танлаётган буюмнинг нақадар гўзаллиги ҳақида тўғрисини айтиб беришади.

«Олмос» улгуржи-чакана савдо бирлашмасининг магазинларида латун ва мельхиордан тайёрланган нафис буюмлар:

зираклар, кулонлар, медальонлар, маржонлар, тўғноғичлар, занжирлар олтин суви югуртирилган, кумушсимон ва анодланган металлардан ишланган; манзарали эмаль билан безакланган қошлар, узуклар ва билакузуклар сотувга кенг қўйилган.

ЯЛТИРОҚ ПАРЧА ҲАМ, СЕРЖИЛО ХОНАТЛАС ҲАМ...

Хонатласнинг жимжима гули кимни қувонтирмайди дейсиз! Жозибали бўёқлар ва нақшларнинг ҳамоҳанг жозибаси бундай газламалардан замонавий услубдаги хушбичим кўйлакларни тикдириш имконини беради.

Парча, хонатлас матосидан тўйлар ва юбилейларга атаб кўйлаклар тикдиринг.

«Таштекстильшвейторг»нинг «Газламалар» ихтисослаштирилган магазинида хон атлас, парча, шойи, жун ва жун аралашган газламаларни сотиб олишингиз мумкин.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ





«ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА БИРЛАШМАСИ. «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

ПАЙШАНБА

1 НОЯБРЬ

● МТ I

17.25 «Келажакка интилган мамлакат», Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳақида киноочерк.
17.50 Жазоир артистларининг концерти.
18.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун.
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш»
20.00 «Святослав Рихтер Гайдн концертини чалади». Фильм-концерт.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

1 НОЯБРЬ, 1984 й.

20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Инсон. Ер. Коинот».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Николай Бауман. Касби — революционер». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Тайгадаги олишув». Бадиий фильм.
23.10 «Ильинский Маршак ҳақида». Телефильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Одамлар шаҳарлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Денгизлар, тоғлар оша». Телефильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 «Чен-чун» корейс ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.20 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Уқитувчи экрани (рус.).
18.45 «Бригада пудрати амалда». (рус.).
19.15 Реклама.
19.25 Ўқув программаси.
20.00 Тошкент янгиликлари
20.15 «Бахтли одам». Бадиий фильм (рус.).
21.30 «Время».

ЖУМА

2 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
10.40 Мультфильмлар.
11.10 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати С. Найко чалади (баян).
11.25 «Умиднинг оқ белбоғи». Телефильм.
12.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Фантехника тараққиёти ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими», «Чиқиндилар ва даромадлар».
15.55 Мультфильм.
16.05 «Любовь Казарновская куйлайди».
16.50 «Рус тили».
17.20 Жаҳон халқларининг ижоди. Вьетнам санъати.
17.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». Мультфильмлар.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти,
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

● МТ II


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Дарахтлар ўсиб катта бўлаверсин». Телефильм.
10.00 —10.10 «Ростов финифти». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 —12.40 Илмий-оммабоп фильмлар. «Амосферадаги қуюнлар сирлари», «Ишчи касбларининг янги қирралари».
14.10 Совет тасвирий санъати Е. А. Кибрик.
14.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-оммабоп кўрсатув.
15.25 Вс. Вишневский. «Ҳаётбахш ўлим».
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саёҳатчилар клуби».
19.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. МАСК — «Лимож» «Франция».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «БАМ —Сибирь бойликларининг калити». Телерепортаж.
21.15 В. Ковтун чалади (аккордеон).
21.30 «Время».
22.00 «Кинопанорама».
23.50 «Дам олиш соатлари». Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Азиз». «Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»).
11.30 «Маугли». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли (такрорий)
12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Океан сари йўлдан». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва «Время».
22.00 «Исёнкорлар ва фиръавнлар». Ҳужжатли фильм.
23.00 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

9.00 —16.15 МТ II
18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 Ўқув программаси.
19.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Ғалабанинг 40 йиллигига. «Фарҳоднинг жасорати». Бадиий фильм.
21.30 МТ II



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

— орган Ташкентского городского и Ташгорсовета Узбекистана и Ташгорсовета

Газета бир йилда 300 марта чиқади

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 5

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-80-31; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; совет ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, оила ва соғлиқни сақлаш — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-16-01; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 33-81-32; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-32; диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Байроқ ордени билан босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 63

Р-09544. Б-2015.